Тошкент оқшоми

2017 ЙИЛ 7 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 118 (13.451)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ЯШНОБОД ТУМАНИДА ИННОВАЦИЯ ТЕХНОПАРКИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Юқори технологияларни ривожлантириш, илмий-технологик ва инновация тадбиркорлигининг барқарор ривожланишини таъминлаш, кичик инновация корхоналарини ташкил этиш, миллий ва хорижий бозорларда рақобатдош, илмий-ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва етказиб беришни йўлга қўйиш учун қулай муҳит шакллантириш мақсадида:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Фан ва технологиялар агентлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 1-иловага мувофиқ қатнашувчилар таркиби билан "Яшнобод" инновация технопаркини (кейинги ўринларда – "Яшнобод" технопарки) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, "Яшнобод" технопарки қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади:

"Яшнобод" технопарки резидентларини, бутун Тошкент шаҳри ҳудудида илмий, технологик ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини назарда тутиб, Тошкент шаҳри ҳудуди чегарасида экстерриториаллик ҳолда жойлаштириш;

илмий-ҳажмдор маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг яхлит инновация занжирини амалга ошириш учун илм-фан, ўқув ва ишлаб чиқариш ташкилотларининг фаолиятини интеграциялаш;

инновация лойиҳаларини давлат, илмий ташкилотлар ва таълим муассасалари, тадбиркорлик субъектлари, тижорат банклари, халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар кредитлари ҳамда венчур фондларининг молия ресурслари ҳисобига биргаликда молиялаштириш;

хизмат кўрсатишнинг, жумладан, илмий лабораториялар, керакли реагент ва сарфлаш материаллари билан таъминлаш, лицензия ва патентлар олишни ташкил қилиш, илмий ва инновация ишланмаларини тижоратлаштиришни ўз ичига олган яхлит инфратузилмани яратиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фан ва технологиялар агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг "Яшнобод" технопаркини илмий ишланмалар ва тадқиқотлар, саноат-тажриба синовларини ўтказиш ва инновация маҳсулотлари намуналарини ўзлаштириш бўйича қуйидаги йўналишларда ихтисослаштириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

кимё технологияси, биотехнология, фармацевтика ва тиббиёт биотехнологияси, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари;

материалшунослик, металлга ишлов бериш технологияси, зилзилабардошлилик, қурилиш материаллари;

озиқ-овқат саноати;

энергия тежамкорлик, муқобил ва энергиянинг қайта тикланадиган манбаларини ишлаб чиқариш, электрон ўлчаш асбоблари, робототехника, машинасозлик, электротехника.

4. "Яшнобод" технопаркининг асосий вазифа ва функциялари этиб қуйидагилар белгилансин:

патент софлигини инобатга олган ҳолда, инновация ишланмаларини, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган юқори технологияли ва рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун саноат-тажриба ва кичик инновация корхоналарини ташкил этиш;

инновация ишланмаларининг саноат-тажриба синовларини ўтказиш ва ишлаб чиқаришда интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг татбиқ этиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, замонавий хорижий ва мамлакатимиз технологияларини трансфер қилишни таъминлаш;

юқори технологияли ва инновацияли ишлаб чиқаришни ташкил этишга қизиққан маҳаллий ва хорижий инвесторларни, шунингдек, ушбу мақсадлар учун имконият ва ресурсларга эга бўлган тадбиркорларни жалб этиш;

илмий-тадқиқот ва инновация ишланмаларининг самарадорлигини ошириш, уларнинг фаолият кўрсатишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, юқори малакали мутахассисларни ҳамда талабаларни жалб этиш мақсадида олий таълим муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва ишлаб чиқариш соҳасидаги субъектлар ўртасида ўзаро узвий ва амалий алоқаларни таъминлаш;

(Давоми 2-бетда)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида "Талаба-ёшлар ижодиёти" кўрик-фестивали бошланди.

Тадбирнинг очилиш маросимида институт ректори Б.Сайфуллаев, Ўзбек Миллий академик драма театри директори Ф.Маъсудов ва бошқалар ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, санъат ва маданият соҳаларида иқтидорли йигит-қизларни кашф этиш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётир.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти театр, кино, телевидение соҳалари учун мутахассис тайёрлайдиган олий таълим даргоҳларидан биридир. Ҳозирги кунда институтнинг халқ ижодиёти, театр санъати, кино, телевидение ва радио санъати факультетларида бир минг тўрт юзга яқин талаба таҳсил олмоқда. Бу ерда талаба-ёшларнинг ўқишда олган билимларини амалиётда қўллаш, уларнинг ижодий салоҳиятини юксалтириш ҳамда битирувчиларни кейинги ижодий жараёнга жалб этиш мақсадида турли тадбир, фестиваль ва ижодий танловлар ташкил этилади.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Талаба-ёшлар ижодиёти" кўрик-фестивали ҳам айни шу мақсадга хизмат қилади. Фестиваль доирасида жорий ўқув йилида институтни битираётган талабаларнинг ранг-баранг саҳна асарлари, кино, телевидение, санъатшунослик, драматургия, мусиқа ва бошқа йўналишлардаги ижод намуналари намойиш этилади. Кўрик-фестивалга тақдим этилган ишларни таниқли олимлар, санъатшунослар, эл ардоғидаги санъаткорлардан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боради.

Фестиваль Мустай Каримнинг "Ой тутилган тунда" асари асосида институтнинг драматик театр ва кино актёрлиги санъати йўналиши битирувчилари томонидан саҳналаштирилган спектакль намойиши билан бошланди.

(Давоми 2-бетда)

АХБОРОТ

2017 йил 6 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисини тайинлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Сенат Кенгашининг қарорига мувофиқ Мамаризо Бердимуратович Нурмуратов Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

ТОШКЕНТДАН ОСТОНАГА ҚАДАР:

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИГА ДОИР

Хабар берилганидек, 2017 йил 8-9 июнь кунлари Қозоғистон пойтахтида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти низомининг олий органи – бирлашмага аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтади. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, олий даражадаги учрашув Қозоғистон раислиги доирасида ўтказиладиган туркум тадбирлар билан тўлдирилади. Хусусан, олий даражадаги учрашув олдидан Остонада ШҲТга аъзо давлатларнинг маданият ва мудофаа вазирлари учрашмоқдалар. Саммит кунлари эса ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши ҳамда ШҲТ Банклараро бирлашмасининг йиғилишлари бўлиб ўтади.

Давлат раҳбарларининг бўлажак тор доирадаги ва кенгайтирилган таркибдаги (кузатувчи мамлакатлар ҳамда мулоқот бўйича шериклар иштирокида) музокараларида ташкилот доирасидаги амалий ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилади. Шунингдек, учрашув қатнашчилари минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашадилар.

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг қарори билан Ҳиндистон ва Покистоннинг ушбу бирлашмага қабул қилиниши жараёнлари ниҳоясига етади. Экспертларнинг олдиндан фикр билдиришларича, Деҳли ҳамда Исломободнинг тўла ҳуқуқли аъзолиги ташкилот фаолиятига сифат жиҳатидан янгича мазмун бахш этади. Хусусан, бу икки йирик мамлакатни ўз сафига қабул қилиш асносида ШҲТ терроризм билан кураш соҳасидаги ҳамкорликни сезиларли даражада фаоллаштиради. Улар томонидан мазкур соҳада тўпланган амалий тажриба бирлашмага аъзо бошқа давлатларда катта қизиқиш уйғотиши мумкин.

Жанубий Осиёдаги икки ўта муҳим мамлакатнинг ШҲТ аъзолигига қабул қилиниши транспорт-коммуникация ҳамкорлигини ривожлантириш учун ҳам кенг истиқболларни очади: бу Трансафғон транспорт-коммуникация йўлагини ҳамда "Марказий Осиё – Форс кўрфази" трансминтақавий лойиҳасини амалга оширишга кўмаклашади. Ушбу артериялар келажакда Жанубий ва Марказий Осиё, Форс кўрфази давлатлари ўртасидаги асосий боғловчи бўғин бўлиб қолиши муқаррар.

(Давоми 2-бетда)

СЕУЛДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Мамлакатимизнинг Жанубий Кореядаги элчихонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликда ташкил қилинган тадбирда етакчи сайёҳлик компаниялари, вазирлик ва идораларнинг икки юздан ортиқ вакили қатнашди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, юртимизга келаётган сайёҳлар оқимини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги давлат дастурларига мувофиқ ҳудудларда туризмнинг замонавий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда, янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилиб, бунинг учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Тадбир иштирокчиларига Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш, юксак халқаро стандартларга мос келадиган тегишли инфратузилмани такомиллаштириш ва модернизация қилиш, юртимизга келаётган меҳмонлар учун хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича бажарилаётган кенг кўламли ишлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистон халқининг бебаҳо меъморий ёдгорликлари ва бой маданий меросини асраб-авайлаш, экологик, экстремал, ов қилиш, гастрономик, даволаш-соғломлаштириш туризми, альпинизм, балиқ овлаш, байкинг каби турли дам олиш ва кўнгилочар тадбирлар уюштириш, Мўйноқ туманида халқаро туристик кластер ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Корея Республикаси Туристик агентликлар ассоциацияси раиси Янг Му Сонг мазкур тадбир Жанубий Кореянинг туристик компаниялари ва жамоатчилиги вакилларига Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятлари, жаҳонга машҳур архитектура ёдгорликлари ва турфа маданияти билан танишиш имконини берганини таъкидлади.

– Ўзбекистон туризмни ривожлантириш учун улкан маданий-этнографик, шунингдек, тарихий салоҳиятга эга, – деди Янг Му Сонг. – Бундай тадбирлар Ўзбекистон нуфузини янада ошириш ва Жанубий Кореядан мамлакатингизга сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қилади. Жанубий Корея фуқароларининг Ўзбекистонга саёҳат қилишини кўпайтириш учун саъй-ҳаракатларни фаоллаштирамиз.

Корейс тилида намойиш этилган "Ўзбекистонга йўл" фильми иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Фильм орқали меҳмонлар Ўзбекистоннинг бой тарихий, маданий ва меъморчилик мероси, мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, туризм инфратузилмасини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумотга эга бўлди.

– Миллий анъана ҳамда жадал тараққиётни ўзида мужассам этган Ўзбекистон Осиё ва Европани бирлаштирадиган Буюк Ипак йўлининг маркази ҳисобланади, – деди Сежонг университети профессори Юнг Жу Ан. – Ўзбекистон билан Жанубий Кореяни минг йиллик тарихий ришталар боғлаб турибди. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабзнинг кўплаб тарихий-маданий объектлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани Ўзбекистоннинг жаҳон сайёҳлик бозорида катта мавқега эга эканидан далолат беради.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманган давлат университетида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ўрганиш ва тарғиб этишга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари масъул ходимлари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, тарғиботчилар, ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

• Жиззахда "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" шиори остида китоб байрами бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги вилоят бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ноширлар, китоб савдоси билан шуғулланувчи муассасалар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи-шоирлар, маънавият тарғиботчилари, ўқувчилар, ота-оналар иштирок этди.

• Бухорода олий таълим муассасалари талабалари ўртасида "Ёш китобхонлар" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда вилоятдаги тўрт олий ўқув юртининг 100 дан зиёд талабаси иштирок этди.

• Навоий вилояти давлат солиқ бошқармасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

ЖАҲОНДА

• Хитойнинг Гуанчжоу шаҳридаги CTF Finance Center молия маркази биносида дунёдаги энг тез лифт ишлай бошлади. Ўта тез ҳаракатланувчи лифт япон компанияси томонидан тайёрланган бўлиб, юқорига соатига 75,6 км тезлик билан кўтарила олади. Лифт баландлиги 530 метрни ташкил қиладиган молия маркази биносининг томига 25 сонияда кўтарила олади. "Daily Mail" нашрининг маълум қилишича, шу пайтгача дунёдаги энг тез лифт Шанхайда ўрнатилган бўлиб, у 69 км/соат тезлик билан ҳаракатланган.

• Лондон полицияси шаҳарда уюштирилган қўпорувчилик ҳаракати бўйича 12 кишини ҳибсга олди. Ҳозирда Баркинг туманида гумон қилинган бир қанча манзиллар бўйича текширув ва тинтув ишлари давом этмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, теракт оқибатида етти киши ҳалок бўлган.

• Англиядаги Саутгемптон университети олимларининг хулосасига кўра, қаҳвани кунига икки бор истеъмол қилиш жигар циррози келиб чиқиш хавфини 44 фоизга, ундан ўлиш хавфини эса 50 фоизга қисқартирар экан. Бунда қаҳва таркибидаги кофеиндан бошқа моддалар – аксилоксидатив ва яллиғланишга қарши бирикмалар (кафестол, кавеол, хлороген кислотаси) жигарнинг қўшимча ҳимоясини бериши исботланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ЯШНОБОД ТУМАНИДА ИННОВАЦИЯ ТЕХНОПАРКИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

инновация ишланмалари натижаларини тегишли тармоқлар маҳаллий ишлаб чиқарувчилари амалий фаолиятига кенг жорий этиш.

5. "Яшнобод" технопаркининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши таркиби 2-иловага мувофиқ ташкил қилинсин.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий функциялари этиб қуйидагилар белгилансин:

"Яшнобод" технопаркини ривожлантириш, инновация ишланмалари асосида стартаплар ташкил этиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари, илмий ва таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириш;

"Яшнобод" технопарки резидентларига инновация жараёнларининг барча босқичларида молиялаштиришга, шу жумладан, инновация маҳсулотларининг салоҳиятли истеъмолчилари, тижорат банклари, ҳомийлар, шу жумладан, хорижий, маблағларини жалб қилишга кўмаклашиш;

"Яшнобод" технопарки маъмурияти фаолиятига, шу жумладан, инновация фаолиятини юритадиган резидентларни жалб қилиш, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ишлаб чиқариш хоналари ва ер участкалари ажратиш масалаларида кўмаклашиш;

юқори технологияли лойиҳаларни амалга ошираётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг инновация ишланмаларини кейинчалик уларга технопарк резиденти мақомини бериш мақсадида танлаб олиш ва экспертизадан ўтказиш;

"Яшнобод" технопарки резидентлари ҳисобланган хўжалик юритувчи субъектларга ички бозорда барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда инновация маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш.

Мувофиқлаштирувчи кенгашга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

хўжалик юритувчи субъектларга "Яшнобод" технопарки резиденти мақомини бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ва кейинчалик уларни маъмурият томонидан рўйхатдан ўтказиш;

маъмуриятнинг, шунингдек, технопарк қатнашчиларининг инновация лойиҳаларини амалга ошириш ва амалиётга жорий этиш бўйича олиб бораётган ишлари, "Яшнобод" технопарки резидентлари фаолиятига қулай шарт-шароит яратиш бўйича ҳисоботларини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг тавсияномасига кўра технопарк дирекцияси маъмурияти бошлиғини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш ҳақида қарор қабул қилиш;

"Яшнобод" технопарки маъмурияти штат жадвалини тасдиқлаш, технопарк бошлиғининг иш ҳақи ҳажми ва моддий рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига технопаркда инновация фаолиятини кенгайтириш борасидаги қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

"Яшнобод" технопарки қатнашчилари таркибига, зарурат туғилганда, ўзгартиришлар киритиш.

Белгилаб қўйилсинки, Мувофиқлаштириш кенгашининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари "Яшнобод" технопаркининг барча иштирокчилари учун бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Белгилансинки:

технопаркнинг фаолият кўрсатиш муддати кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг "Яшнобод" технопарки фаолиятини мувофиқлаштириш ва уни илмий-методологик таъминлаш ишлари бўйича ишчи органи ҳисобланади;

Тошкент шаҳар ва Яшнобод тумани ҳокимликлари "Яшнобод" технопарки фаолиятига кўмаклашади.

7. Белгилаб қўйилсинки;

истисно тариқасида, "Яшнобод" технопарки резидентларига инновация ишлаб чиқаришини ва стартаплар ташкил қилиш учун Яшнобод тумани ҳудудидан ер майдонлари ажратиш Яшнобод тумани ҳокимлигининг тавсияномасига биноан Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан амалга оширилади;

"Яшнобод" технопарки иштирокчилари ҳисобланган илмий ва олий таълим муассасалари технопарк резидентларига илмий ишлаб чиқариш бинолари, шу жумладан, лабораториялар, конструкторлик бюролари, тажриба-синов ишлаб чиқариш, техник хизмат кўрсатиш комплексларини, шунингдек, фойдаланилмаётган давлат мулки биноларини ижарага беришлари мумкин ва ижара тўловларидан тушган пул маблағларини, ўрнатилган тартибда балансда сақловчи ихтиёрида қоладиган маблағлардан ташқари, "Яшнобод" технопарки дирекциясига йўналтиради;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорига мувофиқ "Яшнобод" технопарки резидентлари томонидан саноат-тажриба ва кичик инновация ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан кейинчалик "Яшнобод" технопарки маъмуриятига бериш шарти билан фойдаланилмаётган бинолар, иншоотлар ва ер майдонлари Яшнобод тумани ҳокимлигига тезкор бошқариш учун ажратилади;

"Яшнобод" технопарки резиденти статуси 10 йилгача танлов асосида берилади;

"Яшнобод" технопарки раҳбари мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири ўринбосарига тенглаштирилади.

8. Яшнобод тумани ҳокимлиги ва "Яшнобод туман коммунал таъмирлаш-авария тиклаш хизмати" масъулияти чекланган жамияти лабораторияларининг бир қисми ҳамда раҳбарият маъмуриятини жойлаштириш мақсадида Яшнобод тумани, Мажнунтол кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган бинонинг берилишини таъминласин.

9. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки "Яшнобод" технопарки ва унинг резидентлари ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича асосий ваколатли банк ҳисобланади.

Тижорат банкларига "Яшнобод" технопаркида амалга оширилаётган инновация лойиҳаларига 2 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатгача, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан 50 фоиздан ошмайдиган ставка бўйича имтиёзли кредитлар бериш тавсия этилсин.

Харид қилинаётган (ташкил этилаётган) ускуна ҳамда "Яшнобод" технопарки маъмурияти кафолати гаров сифатида белгилансин.

10. "Яшнобод" технопарки маъмурияти ва резидентлари амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида бутун фаолият кўрсатиш даврида қуйидагилардан:

ер солиғи, фойда солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан;

ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ, лойиҳани амалга ошириш доирасида ўз эҳтиёжи учун четдан олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуна, хомашё, материаллар, реактивлар, бутловчи буюмлар ҳамда қурилиш материаллари учун божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кунлик муддатда "Яшнобод" инновация технопарки тўғрисидаги Низом, технопарк маъмурияти таркиби, "Яшнобод" технопарки резидентларига ер майдонлари ажратиш тартиби, 2017-2018 йилларда "Яшнобод" технопаркида амалга оширилиши таклиф этилаётган инновация лойиҳалари рўйхатини тасдиқлашни ўз ичига олган "Яшнобод" технопарки фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 5 июнь

ТОШКЕНТДАН ОСТОНАГА ҚАДАР:

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИГА ДОИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ташкилотга аъзо давлатлар етакчилари терроризм ва экстремизмга қарши кураш, ШҲТ маконида тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш, ўзаро сайёҳлик оқимини кучайтириш соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришни кўзда тутадиган қатор ҳужжатларни ҳам тасдиқлайдилар.

Саммит якунига кўра, ташкилотнинг ўтган йиллар давомидаги фаолиятига баҳо берувчи ва унинг келгуси ривожланиш истиқболлари белгиланадиган Остона декларациясини қабул қилиш кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг асосчи давлатларидан бири саналади. Ўтган йиллар давомида Тошкент унинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиб келди ҳамда бу йўлдаги фаолият давом этмоқда. Республикамиз уч марта – 2004, 2010 ва 2016 йилларда ташкилотга раислик қилди ҳамда мазкур даврларда ҳар гал фаолият даражасининг янада юқори кўтарилгани, ШҲТнинг институционал салоҳияти янада гуркурагани ва ўзаро ишончнинг мустаҳкамланиши ҳамда халқаро майдонда тузилма нуфузининг ошиши таъминланганини таъкидлаш қувонарлидир.

Эслатиш ўринлики, 2004 йилда Ўзбекистон ташаббуси билан хавфсизлик кенгашлари котибларининг учрашувлари механизми йўлга қўйилган эди. Ўзбекистон пойтахтида ШҲТнинг Минтақавий антитеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси жойлашган. Жорий йилда "Шанхай оиласи"га қўшиладиган Ҳиндистон ва Покистон Эрон ҳамда Мўғулистон билан бирга кузатувчи давлат мақомини айнан Ўзбекистон раислиги даврида олган эди.

2010 йили Тошкентда ШҲТ ва БМТ котибиятлари Ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар ҳамда бу икки тузилма ўртасида алоқаларга замин бўлди. Ўша йили ШҲТнинг Иш юритиш қоидалари ва ШҲТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом имзоланди. Республикамиз, шунингдек, аъзо давлатларнинг илм-фан ҳамда техника бўйича вазирлик ва идоралари раҳбарларининг учрашувлари механизмининг ташаббускори бўлди.

2016 йилда ўтган Тошкент юбилей саммити, албатта, тарихий воқеа бўлиб, унинг самарали натижалари эксперт доираларда ҳамон муҳокама қилинаётгани эътиборга молик. Унинг якунига кўра қабул қилинган ҳужжатлар, жумладан, ШҲТ ўн беш йиллиги декларацияси, ШҲТнинг 2025 йилгача Ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2016 – 2020 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар режаси, Ҳиндистон ва Покистоннинг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар Қозоғистоннинг ШҲТга 2016/2017 йилларда раислик қилиши учун ҳам мустаҳкам асос яратдики, унинг муваффақиятли хотимаси, шубҳасиз, Остонадаги учрашувлар бўлади.

"Жаҳон" АА

СЕУЛДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ташкил этилган фотоэкспозицияда иштирокчилар юртимиз табиатининг бетакрор гўзаллиги ва хилма-хиллиги, қадимий шаҳарлари, ноёб архитектура ёдгорликлари, диққатга сазовор жойлари ва мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти кўрсаткичлари билан танишди. Ўзбекистон халқининг бой маданияти ва анъаналарини очиб берган амалий-безак санъати буюмлари намойиши ҳам иштирокчилар эътиборини тортди.

– Компаниямиз Ўзбекистон билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда, – дейди "Lotte Hotel & Resorts" компанияси вице-президенти Пак Же Хонг. – Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш ва модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани юртингизга сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қилаётир.


– Мазкур тадбир жорий йилда туризм соҳасидаги муҳим воқеалардан бири бўлди, – дейди "Ameks travel" сайёҳлик компанияси президенти Ан Бёнг Чоль. – Жанубий Кореянинг сайёҳлик компаниялари ва туроператорлари Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти билан яқиндан танишиш ва ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш учун қулай имкониятга эга бўлди. Айниқса, Ўзбекистон туризм соҳасида ҳам жадал ривожланаётгани, юртингизда жаҳон маданияти дурдоналарини асраб-авайлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани қувонарлидир.

Тадбир доирасида Ўзбекистон ва Жанубий Корея туроператорлари иштирокида B2B форматида ўтказилган учрашувларда мамлакатимизга сайёҳлар оқимини кўпайтиришга кўмаклашиш тўғрисида келишувга эришилди. Хусусан, Корея Республикасининг "Chanel A" ва "SBS" оммавий ахборот воситалари вакиллари Жанубий Корея сайёҳлик саноати вакилларини мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти билан таништириш учун Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Улар Ўзбекистоннинг меъморий ёдгорликлари, бой тарихи, ноёб маданий мероси ва ўзига хос анъана ва урф-одатлари тўғрисида ахборотни тарқатишда ёрдам беришга тайёр эканини таъкидлади.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

ШЕЪРИЯТ, ШЕЪРХОНЛАР БАЙРАМИ

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар қатори маданий жабҳада ҳам изчил ривожланмоқда. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланиб бормоқда.



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Россияга давлат ташрифи бу муносабатларни янги босқичга кўтарди.

Мамлакатимизда турли миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаётгани, уларнинг миллий байрам ва маросимлари нишонланаётгани, тили, адабиёти кенг ўрганилаётгани ана шу инсонпарвар сиёсат самарасидир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги хиёбонида Александр Сергеевич Пушкин таваллудининг 218 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда бу яна бир бор яққол намоён бўлди. Эрта тонгдан бу сўлим гўшага турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, миллий маданият марказлари, дипломатик корпус вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, ўқитувчилар, ёшлар тўпланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси В.Тюрденев, Рус миллий маданият маркази раҳбари А.Аристов ва бошқалар ёшларни умумбашарий руҳда тарбиялашда, жамиятда аҳиллик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашда адабиёт муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Ўзбек ва рус халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда адабиёт ва санъатнинг алоҳида ўрни бор. Россияликлар ўзбек алломалари, шоирларини яхши билади, Ўзбекистонда рус тили ва адабиёти ўрганилади. Москва шаҳрида Алишер Навоийга, Тошкентда Александр Пушкинга ҳайкал ўрнатилган.

Пушкин ижодини ўзбек китобхонлари болалигидан бошлаб ўқийди. Инсон эрки, шаъни, муҳаббати олий қадрият экани улуғ шоир асарларининг асосий мазмунини ташкил этади.

Эрксевар шоир ижодий фаолияти рус маданияти, адабий тили ривожига бениҳоя катта ижобий таъсир кўрсатган, реализм, халқчиллик тамойиллари, кўплаб шеърий жанрларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган. Ойбек, Миртемир, Ҳамид Олимжон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби ижодкорларимиз таржималари орқали Пушкин шеъриятини она тилимизда ўқимоқдамиз.

Пушкин ҳайкали қад ростлаган ҳудуднинг Халқлар дўстлиги, унга туташ боғнинг "Дўстлик боғи" деб аталиши буюк шоир ижодига, унинг ҳаётий қарашларига ҳамоҳангдир.

Анжуманда Пушкин шеърларидан намуналар ўқилди.

Йиғилганлар шоир ҳайкали пойига гуллар қўйди.

– Ўзбекистонда Пушкин таваллуди куни кенг нишонланиши яхши анъанага айланган, – дейди Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев. – Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Пушкин ҳайкалининг ушбу файзли хиёбонда қад ростлагани Ўзбекистонда миллатлараро дўстликни, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни тобора мустаҳкамлаш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир.

– Шеърият байрамига айланган ушбу тадбирда турли миллат ва элат вакиллари иштирок этаётганининг ўзи Пушкин ижодига бўлган эҳтиромнинг амалий кўринишидир, – дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри солисти Руслан Гафаров. – Бу шеъриятни нозик ва теран ҳис этувчи Ўзбекистон халқининг адабиётга бўлган меҳри ва эътиборининг ёрқин намунаси.

– Юксак инсоний фазилатлар, ҳаётга, Ватанга, ўз халқига муҳаббат Алишер Навоий ва Пушкин ижодида бирдай тараннум этилган, – дейди ЎзА мухбирига Рус миллий маданият марказининг Янгийўл шаҳри бўлинмаси вакили, адабиёт ўқитувчиси Любовь Шербакова. – Ҳар икки шоир ижодида миллат руҳияти ғоят теран ифодаланган.

Тадбирда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри санъаткорлари, Рус миллий маданият маркази қошидаги бадиий жамоа томонидан мусиқий композиция намойиш этилди.

Мамлакатимиз бўйлаб пушкинхонлик тадбирлари, мушоиралар, маърифий анжуманлар давом этмоқда.

Н.УСМОНОВА

ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФЕСТИВАЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Бу фестиваль олган билимларимизни амалиётда қўллаш билан бирга етук санъаткорларнинг бой тажрибаси ва маҳорат сирларини ўрганиш имконини ҳам беради, – дейди ЎзА мухбирига институтнинг тўртинчи курс талабаси Ислом Умрзоқов. – Устозларимизнинг бизга ва изланишларимизга берган баҳоси, йўл-йўриқ ва маслаҳатлари келажакдаги фаолиятимиз ривожида муҳим аҳамият касб этади.

Кўрик-фестивалда мамлакатимиздаги театрлар, санъат ва маданият муассасаларидан вакиллар иштирок этиб, ўз жамоаларига ёш, иқтидорли кадрларни таклиф этади.

Фестиваль доирасида ташкил этиладиган "Очиқ эшиклар куни" тадбирида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва уларнинг ота-оналари, абитуриентлар олий ўқув юрти фаолияти ва ундаги ижодий жараёнлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади.

Г.САТТОРОВА

"Баркамол авлод" Республика болалар ўлкашунослик ва экология марказидаги тўгарак аъзолари ўртасида "Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" шиори остида тадбир ўтказилди.

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

Унда 300 дан ортиқ болалар 4 гуруҳга бўлинган ҳолда махсус майдончаларда – "Спорт мусобақалари", "Моҳир қўллар", "Асфальтга расм чизиш" ва "Эркин мавзу" бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Болалар ҳар бир майдончада белгиланган талаблар бўйича шартларни бажардилар. "Спорт мусобақалари" майдончасида болалар "Коптокчаларни белгиланган жойга тезлик билан етказ", "Коптокчаларни белгиланган жойдан тезлик билан олиб кел" ва бошқа шартлар бўйича беллашган бўлса "Моҳир қўллар" майдончасида тўгарак аъзолари томонидан турли чиқиндилардан бирор-бир буюм ясаш ишлари бажарилди. "Асфальтга расм чизиш" майдончасида тўгарак аъзолари ва маҳалла болалари томонидан "Бахтли болалик" мавзусида расм чизиш танлови ўтказилди.

Тадбир якунида майдончаларда фаол иштирок этган тўгарак аъзолари фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, тадбир давомида ўқув йилини муваффақиятли тамомлаган 357 нафар тўгарак аъзоларига қўшимча таълим олганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

БОЛАЖОНЛАР ҚАЛБИ ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманида жойлашган 118-умумий ўрта таълим мактабида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳомийлиги ва Абдулла Қаҳҳор маҳалласи томонидан ташкил этилган бўлиб, унга 118-умумтаълим мактабида таҳсил олаётган ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ва албатта, бобою бувилари таклиф этилди.

Тадбир аввалида сўзга чиққан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Одилжон Омонов, Абдулла Қаҳҳор маҳалла фуқаролар йиғини раиси Феруза Орипова, таниқли олим, физика-математика фанлари номзоди Ҳамиджон Тоҳиржонов ва бошқалар келажагимиз бўлмиш ёшларни Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан табриклаб, уларнинг ўқишларида ва спорт билан шуғулланиб, улкан муваффақиятларни қўлга киритишларида зафар ёр бўлишини тиладилар.

— Бугун мен учун унутилмас кун. Чунки, мактабимизга байрам муносабати билан санъаткорлар ташриф буюришди. Қолаверса, бугунги тадбир давомида ўтказилган мушоирада ўзим ёзган шеърим учун ғолиб, деб топилиб, устоз Ҳамиджон Тоҳиржоновнинг "Ҳаёт чашмалари" китобига сазовор бўлдим. Келажакда фақатгина аъло баҳоларга ўқишга ваъда бераман, – дейди 118- умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Севарбек Элбоев.

Шунингдек, кўнгилочар тадбирда байрам муносабати билан Абдулла Қаҳҳор маҳалласида ўтказилган шахмат, шашка, футбол ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорларига диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Қолаверса, болажонларга ҳомийлар томонидан салқин ичимликлар ва музқаймоқлар тортиқ этилди.

Байрам тадбири якунида Сергели тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази санъаткорлари томонидан кўғирчоқ театри намойиш этилди.

Бахтиёр ЖЎРАЕВ

Мамлакатимизда аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини, айниқса, имконияти чекланган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ногиронларни реабилитация қилиш, уларнинг эҳтиёжларини таъминлаш, жамият билан уйғун тарзда ҳаёт кечириши учун шароитлар яратиш, камситишнинг ҳар қандай кўринишларидан ҳимоя қилиш, бу борада зарур чора-тадбирларни кўриш қонун билан кафолатланган.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА – МУҲИМ ЭЪТИБОР

2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам эҳтиёжманд аҳоли қатламларининг ижтимоий муҳофазаси, пенсия ёшидаги ёрдамга муҳтож кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий-тиббий хизматлар кўрсатишни яхшилаш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

2016 йил 17 майда қабул қилинган ва республика Адлия вазирлигида 2016 йил 14 июнда 2801-рақам билан рўйхатга олинган "Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 53-сонли ва Молия вазирлигининг 36-сонли қўшма Қарорида 16 ёшгача бўлган ногирон болалар, 16 ёшдаги ва ундан катта ёшдаги ногиронлар ҳамда пенсия ёшидаги муҳтож шахсларнинг туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари томонидан шундай буюмлар, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан бепул таъминланиши белгилаб қўйилган. Бунда 16 ёшгача бўлган ногирон болаларга ҳамда пенсия ёшидаги муҳтож шахсларга уларнинг яшаш жойидаги тиббий-маслаҳат комиссияси (ТМК) томонидан, 16 ёшдаги ва ундан катта ёшдаги ногиронларга уларнинг яшаш жойидаги тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) томонидан тиббий хулоса расмийлаштирилади.

Пенсия ёшидаги муҳтож шахсларга тиббий хулосалар 6 ойгача, эҳтиёжманд ногиронларга тиббий хулосалар эса, ногиронлик муддатидан келиб чиқиб, қайта ногиронликдан ўтиш муддатигача ёки улардан фойдаланиш муддатигача берилади. Тиббий хулоса протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалардан фойдаланиш муддати тугагандан кейин қайта расмийлаштирилади. Қўл-оёқ протезларининг фойдаланиш муддати 24 ой, мураккаб ортопед пойабзал ва протезга пойабзал – 12 ой, эшитиш мосламаси – 4 йил, қўлтиқтаёқ ва ҳасса – 2 йил, хона ичида фойдаланишга мўлжалланган кресло-аравача ва сайр қилиш кресло-аравачаси – 5 йил қилиб белгиланган.

103-сонли Сергели туманлараро тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) пойтахтнинг Миробод, Бектемир ва Сергели туманлари аҳолисига хизмат кўрсатади. Комиссиямиз Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликларининг юқорида таъкидланган қўшма Қарори ижроси юзасидан муайян ишларни амалга оширди. Чунончи, ўтган йили жами 157 нафар муҳтож ногиронларга протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар олишлари учун тиббий хулосалар берилди. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, 103-сонли ТМЭК томонидан жорий йилнинг беш ойида 186 та бирламчи ногиронлик ва 460 та қайта ногиронлик белгиланди. Ўн нафар ногирон қайта реабилитация қилинди, 18 нафарининг эса гуруҳлари енгиллаштирилди. 136 нафарига ногиронлик гуруҳи муддатсиз белгиланди. Шунингдек, 131 нафар ногиронга ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида даволаниш учун йўлланма берилди.

Ижтимоий ёрдамга муҳтож ва имконияти чекланган кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш нафақат давлат ёки дахлдор ташкилотларнинг, балки ўзини шу жамиятнинг аъзоси деб ҳисоблаган ҳар бир юртдошимизнинг бурчидир. Шундай экан, бундай инсонларга барчамиз меҳр-мурувватли, мададкор бўлайлик.


Нодира СОЛИҲОВА,
103-сонли Сергели туманлараро ТМЭК раиси

Зийрак бобо шаҳар кезади

КИМГА ФОЙДАЮ КИМЛАРГА ЗАРАР?

ЁХУД ҚЎЛБОЛА МУЗҚАЙМОҚ ВА ИЧИМЛИКЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Яқин кунларда шаҳар кездингизми? Ҳаш-паш дегунча саратон киради ҳам. Ҳали чиллада кўрасиз куннинг исишини. Майли-да, ҳар фасл ўз "ҳунар"ини кўрсатаверсин. Бу ҳам беҳикмат эмас.





Ёзнинг "феъл"и шуки, одамни яхшигина чанқатади-да. Кўнгил шундай паллаларда беихтиёр чанқовбосди ичимликларга мойил бўлади. Бу товарнинг бозори қизигандан-қизийди. Бундай пайтда айрим сохта "тадбиркорлар", *"Мавсуми келганда бир ишлаб олай"*, – деган "дард"га чалинган "учарлар" томонидан қўлбола ичимликлар тайёрланиб, идиши устига *"квас"*, *"морс"*, *"ўрик шарбати"* деб ёзиб қўйиб аҳоли гавжум жойлар, хусусан, бозорлар, серқатнов кўчалар, бекатларда сотиш авж олади.

Шаҳар айланиб, шунга гувоҳ бўлдик. Ҳаётимиздаги кўп иллатлар барҳам топиб, талай соҳалар тартибга тушяпти-ю, бироқ шу камчиликимиз йўқолмаяпти ноғи.

Ростини айтганда, бу соҳа чанқовбосди ичимликларнинг қандай шароитда тайёрланганлигини билиб бўлмайди. Ҳеч ким уларнинг сифатига кафолат беролмайди ҳам. Сифат-ку – ўз йўлига. Санитария талаблари бўйича улар истеъмолга яроқлими ўзи? Бунга ким жавоб беради? Буни ким аниқлайди? Шу сабабли овқатдан, қўлбола ичимликлардан заҳарланиш ҳолатлари, айниқса ёз, куз фаслларида тез-тез учраб турибди.

Айб – ўзимизда. Бундай қўлбола маҳсулотларни ҳеч ким сотиб олмасин, қани, шулар эртага яна бозорга маҳсулот чиқарармикан? Чиқармайди. Сотиб оляпмизми, фойда кўряпти. Фойда кўряптими, бу ишини давом эттираверади.

Эй ҳамшаҳарлар, дегимиз келади, кўчаларда сотилаётган қўлбола ичимликлардан эҳтиёт бўлинглар!

Ўрни келганда шуни таъкидлаш жоизки, бир вилоятда музқаймоқдан заҳарланиш ҳолати бўйича ижтимоий тармоқлардаги хабар катта шов-шувларга сабаб бўлди.

Бугунги кунда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, ички истеъмол бозорида сифатсиз, аҳоли ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирувчи маҳсулотлар сотилишига йўл қўймаслик муҳим вазифа ҳисобланади. Бу масалага катта эътибор қаратилмоқда.

Бинобарин, овқатдан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 2017 йил 19 майда шаҳар ҳокимининг **"Тошкент шаҳри ҳудудида ноқонуний савдоларни бартараф этиш, мавсумий савдо ва умумий овқатланиш тармоғи объектлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"** 613-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда тегишли давлат органларига бу борада назоратни кучайтириш вазифаси юклатилди.

Хабарингиз бор, Тошкент шаҳри ҳокимининг 2016 йил 26 октябрдаги 965-сон қарори ҳам қабул қилинган эди. Унга асосан белгиланган жойларда кўчма савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини олмаган шахслар томонидан автоцистерналар, ностандарт ҳажмдаги идишларда морс, квас, ўрик шарбати ва бошқа санитария талабларига жавоб бермайдиган ичимликлар, қуйма музқаймоқлар, шунингдек, мева-сабзавотлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чорва моллари, паррандалар билан савдо қилиниши тақиқланган эди.

Бу масала юзасидан доимий фаолият олиб борувчи ишчи гуруҳлар иш олиб боради. Кўриниб турибдики, бу масала қатъий назоратга олинган.

Биз шаҳар Давлат санитария-эпидемиология марказида бўлиб, бош врач Б.Адиловдан бу борада қандай ишлар амалга оширилаётгани билан қизикдик. У шундай деди:

– Жорий йилнинг 15 май куни шаҳар ДСЭНМнинг "Овқатдан заҳарланишлар, ўткир юқумли ичак ва ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олиш тўғрисида" 69-сон буйруғи қабул қилиниб, унда сут ва сут маҳсулотлари, музқаймоқлар, салқин ичимликлар ишлаб чиқариш корхоналарида лаборатория таҳлилларини кучайтириш ва натижалари бўйича Республика Бош давлат санитария врачи томонидан тасдиқланган йўриқнома асосида тегишли чоралар кўрилиши вазифаси туман ДСЭНМлари бош врачлари зиммасига юклатилди.

Тошкент шаҳрида музқаймоқ қоришмасини тайёрлаб, умумий овқатланиш ва савдо тармоғи объектларига тарқатиш билан "MAX SAMBUD QURUVCHI" масъулияти чекланган жамияти томонидан "Зарафшон" ресторанида ташкил этилган цех расман шуғулланади. Бундан ташқари, Шайхонтоҳур туманидаги "Себзор" ХИЧКга қарашли "Россини" ресторанида ҳам қоришма алоҳида цехда тайёрланиб, аҳолига фризер мосламаси орқали сотилади.

Шаҳар ва туман ДСЭНМлари томонидан 2017 йилнинг 20 май кунидан бошлаб ўтказилаётган чора-тадбирлар натижасида пойтахтимизнинг турли ҳудудларида, айниқса, шоҳбекатлар, деҳқон бозорлари, истироҳат боғларида ва аҳоли гавжум бошқа жойларда жами 38 та фризер мосламаси орқали ноқонуний тарзда музқаймоқ сотилаётгани аниқланди. Бундай ҳолатларнинг кўпроғи Учтепа (21 та), Юнусобод (18 та), Сергели (10 та), Чилонзор (9 та), Олмазор, Яккасарой (7 тадан), Мирзо Улуғбек (5 та) туманларига тўғри келмоқда. Айни ҳолатлар аниқланганидан кейин буларнинг бари ўз фаолиятини тўхтатди.

Очиғини айтганда, давлатимиз томонидан белгиланган меъёрий ҳужжатларга амал қилган ҳолда аҳолининг хавфсизлигини ўйлаб иш кўраётган тадбиркорларга раҳмат деймиз.

Юнусобод тумани Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб юрар эканмиз, "Dolce City" музқаймоқ савдоси билан шуғулланувчи дўкон фаолиятига эътибор қаратдик. Унинг раҳбари Зоҳид Камоловнинг айтишича, музқаймоқ дўкони очилганига бир ой бўлган. Маҳсулот "Зарафшон" ресторанидан келтирилади. Бу ерда музқаймоқнинг 6 та тури савдоси ташкил этилган. Дўконда 5 киши иш билан таъминланган. Уларнинг ҳар бири тиббий кўрикдан ўтган, тиббий дафтарчаларга эга, махсус кийимлар билан таъминланган.

"Юнусобод деҳқон бозори" МЧЖ – ҳар доимгидек харидорлар билан гавжум. Бу ерда салқин ичимликлар, нон, гўшт, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси – авжида. "Музқаймоқлар" деб ёзилган турғун савдо дўконида лағмон, манпар, норин, чучвара, лаваш, нон маҳсулотлари сотилмоқда. Ичкарида антисанитария ҳолатига гувоҳ бўлдик. Сотувчиларнинг айримларида махсус кийим йўқ. Мутасаддилар томонидан лағмон маҳсулотидан намуна олиниб, бозордаги ДСЭНМга қарашли лабораторияга текшириш учун юборилди. Қизиғи шундаки, илгари бу ерда музқаймоқ савдоси ташкил этилган бўлса-да, эски пешлавҳа ҳали ҳам олиб ташланмаган.

Юнусобод тумани ДСЭНМ бўлим бошлиғи Зуҳра Ускенованинг таъкидлашича, ноқонуний салқин ичимликлар, фризер мосламалари орқали музқаймоқ сотувчилар билан кескин кураш олиб борилмоқда. Автоцистерналарда морс, квас маҳсулотлари сотилиши ҳолатларига барҳам берилаётир.

Метро бекатига яқин гавжум жойда иккита автоцистернада морс ичимлиги сотилаётганига гувоҳ бўлдик. Сотувчи қизда ҳеч қандай ҳужжат йўқ. У: *Ҳаммасини раҳбар билади*, – дейди.

Хусусий тадбиркор Искандар Рихсиев келиб, ҳақиқатан ҳам, тегишли ҳужжатлар олмаганлигини айтди. Чунки бизга ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олмади-да.

Яна бир морс сотаётган йигит ўзини: *"Отабек Ҳайдаров"*, – деб таништирди. Бу сотувчи ҳам махсус кийим киймаган. Уст-бошига қараб бўлмайди. Унинг раҳбари *Фармон* исмли киши экан. Анча вақт кутдик, лекин бу раҳбардан дарак бўлмади.

Сотувчи йигит ҳам автоцистерна эшикчасини қулфлаб, жуфтакни ростлади.

"Фарҳод деҳқон бозори" МЧЖда савдо – авжида. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Учтепа тумани ДСЭНМ ходимлари томонидан ноқонуний салқин ичимликларнинг сотилишига йўл қўйилмаяпти.

Аммо Арча кўчаси бўйлаб юрар эканмиз, бир нечта жойда квас, компот, ўрик шарбатининг қўлбола усулда тайёрланиб, сотилаётгани устидан чиқдик. Бу ерда санитария ҳолатларига, умуман, амал қилинмаяпти, албатта.

Шунингдек, Тошкент ҳалқа айланма йўлининг айрим жойларида ҳам қўлбола усулда тайёрланган ўрик шарбати, квас, морс ичимликлари сотилаётганини кўриш мумкин. Автоцистерналарда морс ва квас ичимлиги Қорасув-3 мавзеси, Юнусобод-4 мавзеси, "Авиасозлар деҳқон бозори" МЧЖга туташ бекатларда ҳам сотиляпти.

Беш қўл баробар эмас, албатта. Шаҳримизда тегишли барча ҳужжатларга эга бўлган ҳолда салқин ичимликлар сотаётган, яъни бу соҳада қонуний фаолият олиб бораётган фирмалар ҳам кўплигига ишондик. Масалан, "TO'RA JORA GROUP" масъулияти чекланган жамияти бир неча йиллардан буён аҳолига чанқовбосди ичимликлар етказиб бериш билан шуғулланади. Аслида, морс ичимлиги айнан ушбу МЧЖга қарашли цехда тайёрланади. Маҳсулот сертификатланган. Олмазор туманининг 14 та жойида салқин ичимликлар савдосига рухсат берилган. Фирма қонуний ишчиларига эга. Сотувчилар тиббий кўрикдан ўтган. Ҳар куни савдо тушумлари банкка инкассация қилиб борилади. Стандартлаштириш идораси ва ДСЭНМдан берилган хулосага эга. Фирма кўчма савдога рухсатни олган.

Азиз ҳамшаҳарлар!

Ҳаммангизни сифат сертификати бор маҳсулотларнигина харид қилиш ва истеъмол қилишга чақирамиз.

Токи қўлбола овқатдан, музқаймоқ ва ичимликлардан заҳарланиб, кейин унинг аччиқ азобини тортиб юрмайлик!

Биз эса шаҳар кезишда давом этамиз ва шундай "учарлар"ни расми билан бериб борамиз.

Зийрак бобога
Жасур ЭЛИМОВ ҳамроҳлик қилди.

Реклама ва эълонлар

"Metal Dealer" (СТИР 302707422) масъулияти чекланган жамиятини таъсисчиларининг 2017 йил 6 июнь кунидаги 03-сонли баённома қарорига мувофиқ, жамиятнинг устав фонди 531 000 000, 00 сўм миқдоридан 525 000 000,00 сўм миқдорида камайтирилиб, янги устав фондининг миқдори 6 000 000,00 сўмни ташкил этади. Ариза ва мурожаатлар қуйидаги манзилда қабул қилинмоқда: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 24-уй.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати ва меҳнат жамоаси Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш ва бошқариш кафедрасининг профессори

Наима МАҲМУДОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.





Мусобақалар

ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК САРИ ҚАДАМ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий фаолият йўналишларидан бири бу – ёшлар орасида жисмоний баркамолликни тарғиб қилиш, спортнинг оммавий ва миллий турлари, халқ ўйинларини ривожлантиришга кўмаклашиш, турли мусобақа ва турнирлар ўтказишдан иборат.

Мазкур йўналишдаги фаолият Ҳаракат тизимлари томонидан ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида амалга оширилаётган турли лойиҳалар, спортнинг оммавий турлари бўйича ўтказилаётган мусобақа ва турнирларда ўз аксини топмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказилиб келинадиган "Камолот" маликаси", "Камолот" шахмат тахтаси", "Камолот" ғунчалари", спортчи қизлар ўртасида "Тўмарис-спорт маликаси" мусобақалари шулар жумласидан.

Пойтахтимиздаги "Камолот-спорт-саломатлик" мажмуасида қизлар ўртасида бадиий гимнастика бўйича "Камолот" кубоги" халқаро турнири ўтказилди.

Ёшларни спорт мусобақаларига оммавий тарзда жалб қилиш, спортнинг бадиий гимнастика турини кенг тарғиб этиш, хорижий мамлакатлар спортчи ва мураббийлари билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилган халқаро турнирда республикамиз спортчилари шунингдек, Россия, Қозоғистон, Исроил, Ҳиндистон каби давлатлардан 130 нафардан ортиқ спортчи қизлар иштирок этди.

— Ёш авлоднинг соғлом бўлиб вояга етиши учун спортнинг аҳамияти катта, — дейди "Камолот-спорт-саломатлик" мажмуаси раҳбари Заррина Абдуллаева. — Шуни эътиборга олган ҳолда болалар спортини ривожлантириш мақсадида болалар ва ўсмирлар учун спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. Мамлакатимизда ёшларни, хусусан, қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизлар сафи тобора кенгайиб бораётгани бунинг далилидир.

Икки кун давомида бўлиб ўтган мусобақада қизлар беллашиб, маҳоратларини намоён этишди. Иштирокчиларнинг бадиий чиқишлари томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Қизғин ва муросасиз бўлган мусобақада ғолиб ва фаол иштирокчилар ғолиблик дипломи ва медаллари, фахрий ёрлиқлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Умаржон ҲАЗРАТОВ

Тошкент Темир йўл транспорти коллежида "Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши таълим муассасаси ва энг яхши ўқитувчи" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Танловлар

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ватанпарвар", Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси вакиллари ҳамда шаҳримиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

Танловнинг ташкил этилишидан мақсад "Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик" фани бўйича ўқувчиларнинг билим даражаси ва кўникмаларини ошириш, таълим муассасаларининг мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимлари ҳамда ҳарбий қисмлар билан ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, "Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик" фани ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш ва ўзаро тажриба алмашишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, ўқувчиларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, уларни юртга садоқатли инсонлар қилиб тарбиялаш, ҳарбий хизматга тайёрлаш ва бу йўналишда маҳоратларини оширишда яхши самара бермоқда.

Ҳакамлар ҳайъати ўқув муассасаларининг моддий-техник базаси, ўқитувчиларнинг касб маҳорати ва ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ҳамда билим даражасига қараб баҳолаб бордилар. "Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши таълим муассасаси" номинацияси бўйича биринчи ўрин Тошкент Темир йўл транспорти коллежига насиб этди.

Тошкент солиқ коллежи ўқитувчиси Олим Диёров "Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши ўқитувчи" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

– Ўқувчиларим чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанига ўзгача қизиқиш билан ёндашади, – дейди О.Диёров. – Шу боис мен ҳам турли педагогик усуллардан фойдаланган ҳолда дарсларни мазмунли ва тушунарли қилиб ўтишга ҳаракат қиламан. Машғулотларда ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги яхши бўлиши учун ўзаро беллашувлар ҳам ташкил қилиб турамиз. Танловда ғолиб бўлганим мени янада масъулият билан ишлашга ва изланишга ундайди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Ижро этилган куй-қўшиқлар тадбирни янада кўтаринки руҳда ўтишига ҳисса қўшди.

Абдуалим САЛИМОВ

Футбол

МУҲИМ ЎЙИН ОЛДИДАН ҒАЛАБА

Пойтахтимизнинг "Бунёдкор" стадионида футбол бўйича Таиланд терма жамоасига қарши уюштирилган назорат-ўртоқлик учрашуви Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари учун 12 июнда Теҳронда Эрон терма жамоасига қарши ўтказиладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичи гуруҳ баҳси олдидан ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтади.

Чунки таиландликларга қарши ўйинда миллий терма жамоамизнинг кўпгина футболчиларининг руҳий ҳолати, жисмоний тайёргарлиги мураббийлар томонидан яна бир карра синовдан ўтказилди. Учрашув анча эҳтиёткор тарзда бошланди. Ҳар икки томон аввало ҳимояни мустаҳкамлашга уринишди. Аммо, терма жамоамиз устунлигида кечган баҳс 2:0 хисобида ҳамюртларимизнинг ғалабаси билан якунланди. Ҳар икки гол меҳмонлар дарвозасига иккинчи бўлимда киритилди. Темурхўжа Абдуҳолиқов, Сардор Рашидов гол-ларга муаллифлик қилишди. Албатта, ушбу ғалаба терма жамоамиз аъзоларининг эронликларга қарши ўтадиган ўйин олдидан кайфиятларини кўтаради.

Биз эса миллий терма жамоамизнинг Эрон терма жамоасига қарши сафарда ўтказиладиган беллашувдан ғалаба билан қайтишини тилаб қоламиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

"101"

ҚОИДАЛАРГА ТЎЛА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!

Бирламчи ёнғин ўчириш воситалари – электр симлари қисқа туташуви вақтида ёнғинларнинг бошланғич вақтида ва аланганинг кенг тарқалиб кетмасидан олдин ёнғинларни ўчириш учун қўлланилади. Ёнғин ўчириш воситалари таркибидаги моддаларга қараб газсимон, суюқ, кукунсимон ва бошқа турларга бўлинади.

Ёнғин ўчириш воситасидан фойдаланиш тартиби ёнғинни бошланғич даврида зудлик билан ёнғин ўчириш воситасини олиб ёнғин жойида пломбасини узиб трубкасини ёниш нуқтасига тўғирлаб 1,5 метр оралиқ масофада туриб дастаги босилади. Углекислотали ёнғин ўчириш воситасидан фойдаланганда трубкасини ушлаганда ҳимоя сифатида қўлқоп ёки мато бўлаги билан ушланади, чунки сиқилган углекислотали гази ва туз қоришмаси музлатилган ҳолда бўлади.

Ёнғин ўчириш воситасини тўхтатмасдан ишлатиш вақти 14-15 секундга етади. Тошкент метрополитени ҳам асосан кукунли ва углекислотали бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланган. Ёнғин "тилсиз ёв"дир, уни ўчиришдан кўра олдини олган афзалроқ. Шу ўринда айтиш жоизки, ёнғин хавфсизлиги талабларига тўла амал қилингандагина унинг олди олинади.

Маъмур ФИРМАТОВ,
Тошкент метрополитени кўриқлаш бўйича ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

* * *

Инсон ҳаёти ва саломатлигини асраб-авайлашда кўпчилик унча аҳамият бермайдиган шундай омиллар борки, уларга озгина эътибор беришимиз нафақат ўзимиз, балки атрофдагиларнинг ҳам хавфсизлигини таъминлашда ижобий таъсир кўрсатади.

Афсуски, Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан аҳоли ўртасида олиб борилаётган профилактик ва тушунтириш ишларига қарамасдан айрим юртдошларимиз томонидан ёнғин хавфсизлиги бўйича белгиланган тартиб ва қоидаларга амал қилинмаслиги, оддий эътиборсизлик оқибатида баъзи ҳолларда ёнғин билан боғлиқ нохуш вазиятлар, талафотлар, ҳатто, фалокатлар юз бермоқда.

Масалан, биргина масъулиятсизлик туфайли ўчирилмаган сигарета қолдиғининг белгиланмаган жойларга ёки чиқиндихоналарга ташлаб кетилиши кўча ва хиёбонларда кутилмаган ёнғин ва офатларни келтириб чиқариши кўп кузатилган ҳолатлардан биридир. Айниқса, жазирама кунларда атрофдаги қуриган ўт-ўлан, майдонларда қовжираб ётган шох-шаббалар арзимаган аланга туфайли ёнғиннинг келиб чиқишига сабаб бўлиши турган гап. Бунга кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Масалан, жорий йилнинг март-апрель ойларида Яккасарой туманидаги "Муҳандислар" маҳалласига қарашли Бобур кўчасидаги очиқ майдонларда икки маротаба ёнғин ҳолати кузатилди. Бунинг натижасида жами 8-10 квадрат метр жойдаги ўт-ўлан ёниши натижасида атроф-муҳит ва дарахтларга сезиларли зиён етказилган. Ушбу ҳолатларни ўрганиш ва таҳлил этиш юзасидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида ушбу кўнгилсиз ҳолатларнинг келиб чиқишига ўчирилмаган ҳолда ташлаб кетилган сигарета қолдиғи сабаб бўлганлиги аниқланди. Албатта, ушбу ёнғинлар ўз вақтида ўчирилди, хавф-хатарнинг олди олинди. Лекин, уларга нисбатан ўз вақтида чора кўрилмаганида бундан ҳам катта ёнғин ҳолатлари келиб чиқиши натижасида одамлар ҳаёти, атроф-муҳитга катта зиён бўлиши мумкин эди-ку.

Шу ўринда сергаклик ва огоҳлик доимо кўнгил хотиржамлигини таъминлашини эслатиб ўтиш жоиз.

Дилсора АБДУМАЖИДОВА,
Яккасарой тумани ИИБ ЁХБ инспектори, катта сержант

Санъатнинг барча соҳасида, жумладан, мусиқа санъатининг касбий йўналишларида ўтказиб келинаётган халқаро кўрик-танловлар ва фестивалларнинг натижалари ҳамда эришилган ютуқлар мазкур йўналишда тайёрланиб келинаётган кадрларнинг ниҳоятда юксак мавқега эга эканлигини намойиш этмоқда.

МУСИҚАНИНГ ОҲАНГРАБО ЖИЛОЛАРИ

Ҳозирги кунга келиб юртимизда ёш авлоднинг турли танловларда фаол иштирок этиб келаётгани ва катта ютуқларга эришаётгани бунинг исботидир. Шак-шубҳасиз, буларнинг замирида давлатимизнинг малакали кадрлар тайёрлаш масаласида олиб бораётган оқилона сиёсати ва ислоҳотларнинг самарали натижаси ётади.

Яқинда Бадиий академия қошидаги ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг истеъдодли ўқувчи ва ўқитувчилари Италияда ўтказилган "Chitta de pezaro" ва "Serate Russe in Italia" номли халқаро танловларда муваффақиятли қатнашдилар. Танловда Франция, Германия, Россия, Ўзбекистон, Белорусия ва бошқа давлатлардан иштирок этган моҳир созандалар ўзаро беллашдилар. Бизнинг юртимизни Ижод Назаров, Самандар Исматуллаев, Мавжуда Турабоева, Саидакбар Саидаълоев, Мафтуна Умарова каби истеъдодли ёшларимиз ҳимоя қилиб, нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан I, II, III ўринларга лойиқ деб топилдилар.

"Serate Russe in Italia" халқаро танловида эса 250 нафар созандалар иштирок этиб, улар ёши бўйича гуруҳларда ўзаро беллашдилар. Танловнинг "мусиқий чолғу" йўналишида фақат тўртта I ўрин дипломи мавжуд бўлиб, ўзбекистонлик созандалардан Мафтуна Умарова ушбу мукофотга сазовор бўлди. Ижрога жўрнавоз бўлган Анжела Ан "Энг яхши концертмейстер" дипломи билан ҳам тақдирланди.

– Ушбу халқаро фестивалда иштирок этиб биринчи ўринга сазовор бўлдим. Бунинг учун менга таълим берган ва мусиқа санъатининг сир-асрорларини ўргатган устозларимга алоҳида раҳмат айтмоқчиман, – дейди ушбу фестиваль ғолибаси М.Умарова. – Яна шуни айтиш жоизки, мен бу халқаро кўрик-танловда қатор дўстлар орттириб, улар билан билим ва тажрибаларимизни алмашдик.

Бутун танлов давомида бизнинг ижрочилар томонидан тақдим этилган танлов дастурида жаҳон, рус ва ўзбек композиторларининг маҳоратли бадиий асарлари ўрин эгаллади. Бундай асарларни ижро этиш ўз навбатида созандадан юқори техник маҳорат, мусиқани ҳис қилиш ва психологик тайёргарликни талаб қилади.

Жаҳон саҳналарида бошқа мамлакатлар қаторида бизнинг ўзбек ёшларимиз томонидан қўлга киритилган ютуқлар, мусиқа санъатимиз пойдеворининг мустаҳкамлашга ва кадрлар истиқболига ишонч билан қарашга ундайди.

Мумина ХИКМАТУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси

Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

Яшнобод туманидаги умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари ошхоналарини ижарага бериш бўйича танлов эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 132-сонли қарори асосида Яшнобод туманидаги умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида ошхоналарни ижарага бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловда иштирок этувчилар аризалари 2017 йил 10 июндан 10 июль соат 18:00 га қадар Яшнобод тумани, Илтифот кўчаси, 58-ҳарбий шаҳарча-(Яшнобод ХТМФМТТЭБ)да қабул қилинади.

Танловда иштирок этувчилар аризалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги 132-сонли қарорида белгиланган ҳужжатлар асосида қабул қилинади.

Танлов 2017 йил 12 июлда соат 10:00 да Яшнобод тумани, Авиасозлар 3-мавзе, 1-уйда жойлашган 103-сонли мактаб-интернати залида ўтказилади.

Танловга оид қўшимча маълумотлар билан yashnobodtxtb@xtv.uz электронпочта ва 298-91-51 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ошхонаси танловга қўйиладиган Яшнобод тумани таълим муассасалари рўйхати ва манзиллари.

№	Муассаса номи	Манзил	Иш тел.
1.	30-сонли умумтаълим мактаби	Мурғоб кўчаси, 109-уй	291-64-29
2.	69-сонли умумтаълим мактаби	Паркент кўчаси, 18-уй	267-29-36
3.	153-сонли умумтаълим мактаби	Алимкент 1-тор кўчаси, 62-уй	296-34-81
4.	155-сонли умумтаълим мактаби	Ховос кўчаси, 45-уй	299-81-49
5.	230-сонли умумтаълим мактаби	Шоҳсанам кўчаси, 56-уй	298-34-89
6.	231-сонли умумтаълим мактаби	Фарғона йўли кўчаси, 95-а уй	291-60-44
7.	Тошкент меҳмонхона хўжалиги коллежи	Тараққиёт 2-тор кўчаси, 1-уй	289-40-30
8.	Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи	Темирчи кўчаси, 53-уй	294-77-38

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **8 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14, кундузи — 31-33 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **8 июнда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 635

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9234 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ